

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 680-ҳадис

680/1371 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: إِنَّمَا قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّهُمْ لَيَعْلَمُونَ الْآنَ أَنَّ مَا كُنْتُ أَقُولُ حَقًّا، وَقَدْ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: (إِنَّكَ لَا تُسْمِعُ الْمَوْتَى) [النمل: 80].

680.1371. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Улар менинг айтганларим ҳақ эканини энди билишяпти».**

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло: **«Албатта, сен ўликларга эшиттира олмассан»** деган».

Изоҳ: Ҳадиснинг мазмуни мазкур оятнинг мазмунига зоҳиран зид кўринсада, аслида бундай эмас. Ҳадисда Набий алайҳиссалом ўлганларга мурожаат қилиб, уларнинг бу сўзларни эшитаётганларини айтганлар, оятда эса «ўликларга эшиттира олмайсан», дейилмоқда. Оятда «ўликлар» деб Ислом даъватига қарши чиққанлар назарда тутилган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI